

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

САПАЕВ АКБАР ДИЛШАДОВИЧ

**ЎТКИР ИЧАК ТУТИЛИШИДА ҚАЙТА ЧАНДИҚ ҲОСИЛ
БЎЛИШНИ БАШОРАТ ҚИЛИШ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТ**

Андижон – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Сапаев Акбар Дилшадович

Ўткир ичак тутилишида қайта чандиқ ҳосил бўлишини башорат қилиш
ва олдини олиш..... 3

Сапаев Акбар Дилшадович

Прогнозирование и профилактика спайкообразования при острой
кишечной непроходимости..... 26

Sapaev Akbar Dilshadovich

Prediction and prevention of adhesion formation in acute intestinal
obstruction..... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 55

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

САПАЕВ АКБАР ДИЛШАДОВИЧ

**ЎТКИР ИЧАК ТУТИЛИШИДА ҚАЙТА ЧАНДИҚ ҲОСИЛ
БЎЛИШНИ БАШОРАТ ҚИЛИШ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида B2021.1.PhD/Tib1751 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида амалга оширилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.adti.uz) ва “Ziynet” ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) юкланган.

Илмий раҳбар:

Охунов Алишер Орипович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хакимов Мурод Шавкатович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Таджибаев Шароф Абдурашидович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

**А.Н.Рыжих номидаги колопроктология
Миллий тиббий тадқиқот маркази (Россия
Федерацияси)**

Диссертация ҳимояси Андижон давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю. Атабеков кўчаси, 1. Тел/факс: (+99874) 223-94-50; e-mail: info@adti.uz, Андижон давлат тиббиёт институти).

Диссертация билан Андижон давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Атабеков кўчаси, 1. Тел/факс: (+99874) 223-94-50.

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2025 йил «___» _____ даги _____ -рақамли реестр баённомаси).

М.М. Мадазимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори,
профессор

М.Ф. Нишанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори,
профессор

Б.Р. Абдуллажанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги. Чандикли ичак тутилиши (ЧИТ) шошилиш шифохонага ётқизиш ва қорин бўшлиғи жарроҳлигида шошилиш жарроҳлик аралашувининг энг кенг тарқалган сабабларидан биридир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра «...чандикли ичак тутилиши барча механик ичак тутилиши ҳолатларининг 60-75% ни ташкил қилади ва шошилиш жарроҳлик тузилмасида бу аралашувларнинг улуши 10 дан 30% гача, АҚШда йилига қорин бўшлиғидаги чандикли жараённинг (ЧЖ) асоратлари билан боғлиқ 350 мингдан ортиқ операциялар рўйхатга олинади ва йилига тахминан 1,3 миллиард доллар сарф харажатларни ташкил қилади...»¹. Буюк Британияда ЧИТ билан хасталанган беморлар учун стационар даволаниш нархи йилига тахминан 24 миллион фунт стерлингни ташкил қилади. МДХ мамлакатлари манбаларига кўра, ЧИТ учун шифохонага ётқизишнинг ўртача муддати 14 кундан ошади ва операциядан кейинги асоратлар даражаси 30-40% га етади. ЧИТ нафақат тиббий, балки ижтимоий муаммодир, чунки у узоқ муддатли меҳнат қобилиятини йўқотиш ва баъзи ҳолларда доимий ногиронлик билан бирга келади. Шундай қилиб, ушбу тадқиқотнинг долзарблиги ЧИТнинг юқори тарқалиши, тез-тез қайталаниш ва асоратлар, сезиларли иқтисодий зарар, эрта башоратлаш учун тасдиқланган усулларнинг йўқлиги ва мавжуд профилактика чораларининг чекланган самарадорлиги билан белгиланади. Клиник ва лаборатор маркерлари ва тажрибада асослашдан фойдаланган ҳолда башоратлаш ва профилактиканинг комплекс тизимини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқот жарроҳлик ва трансляцион тиббиёт ривожланишининг замонавий тенденцияларига мос келади, шунингдек, амалий аҳамиятга эга.

Жаҳонда ўткир ичак тутилишида қайта чандик ҳосил бўлишини башорат қилиш ва олдини олиш борасида қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада ўткир ичак тутилишида чандик шаклланишининг клиник ва лаборатор кўринишларини, чандик шаклланишининг тарқалиши ва табиатининг хусусиятларини баҳолаш, ўткир чандикли ичак тутилишини даволашнинг анъанавий усулларининг бевосита ва узоқ муддатли натижаларини таҳлил қилиш, тажриба шароитида чандик шаклланишини башорат қилиш ва олдини олишда патогенетик биомаркерларнинг аҳамиятини, чандик шаклланишини башорат қилиш ва олдини олиш усулларини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг самарадорлигини қиёсий баҳолашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишга қаратилган илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан соматик касалликлар натижасида юзага келадиган ҳаёт тарзининг бузилишини ташхислаш, даволаш ва асоратларини олдини олишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 7 та устувор йўналишига

¹ЖССТнинг 2019 йил ҳисоботларнинг маълумотлари

мувофик, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»²каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, ўткир ичак тутилишида қайта чандиқ ҳосил бўлишини башорат қилиш ва олдини олиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш мақсадга мувофикдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сонли «Бирламчи соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятига принципиал янги механизмларни жорий этиш ва соғлиқни сақлаш тизимини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сонли «Тиббий профилактика бўйича ишлар самарадорлигини янада ошириш орқали аҳоли саломатлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сонли «Соғлиқни сақлашнинг комплекс ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сонли «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқот мавзусининг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва техникасини ривожлантиришнинг VI “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофик амалга оширилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Жарроҳлик аралашувидан сўнг қорин бўшлиғида қайта чандиқ ҳосил бўлиши ва шаклланиши муаммоси бир асрдан кўпроқ вақт давомида фаол ўрганиш мавзуси бўлиб келган. Бироқ, кўплаб назарий ва клиник ишларга қарамай, у ҳали ҳам ҳал қилинмаган. Сўнгги йилларда чандиқли жараён муаммосига қизиқиш ортди, бу чандиқли ичак тутилишининг патогенези, диагностикаси, олдини олиш ва даволашнинг турли жиҳатларига бағишланган наشرлар сонининг кўпайишида намоён бўлди (D.Menzies, 2016, D.S. Bhatia, 2020). Муаммони ўрганишнинг биринчи йўналишларидан бири фибробластлар, мезотелиал хужайралар ва хужайрадан ташқари матрикснинг таркибий қисмларининг адгезия жараёни механизмларида иштирок этишини тасдиқловчи морфологик ва гистокимёвий тадқиқотлар бўлган. Ушбу маълумотлар перитонеал шикастланиш шароитида фибропластик реакциялар ўрганилган экспериментал моделларни ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилди (Q.Wang, 2019; P.Bigliardi, 2020). Ушбу жараёнларда муҳим рол матрицали металлопротеиназаларнинг фаоллашувига, хусусан, базал мембрананинг таркибий қисмларини йўқ қилишга ва ангиогенезни фаоллаштиришга қодир бўлган ММП-2 ва ММП-9 га берилади (L.Zhou, 2021; Y. Gao, 2022). Чандиқ жараёнининг (ЧЖ) замонавий тушунчалари кўп тармоқли ёндашув асосида шаклланади. Тадқиқотлар шуни

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

кўрсатдики, ЧЖ патогенезида яллиғланиш воситачилари (интерлейкинлар, TNF- α), ўсиш омиллари (TGF- β), гипоксия ва оксидловчи стресс жараёнлари иштирок этади (A.Isik, 2019; I.A.Selezneva, 2020). Шу билан бирга, қорин парданинг шикастланишидан 24-48 соат ўтгач, самарали фибринолитик фаоллик бўлмаса, доимий толали чандиқларга айланадиган бирламчи фибрин матрицасининг шаклланиши бошланиши исботланган (D.E. Beck, 2016; H. Ellis, 2017). Беморнинг чандиқ ҳосил қилиш тенденциясини башорат қила оладиган биомаркерларни топишга қаратилган тадқиқотлар алоҳида эътиборга лойиқдир. Хусусан, қон зардобидоги ва перитонеал экссудатдаги оксипролин даражаси фаол коллагеногенез кўрсаткичи, ММП-9ни эса бириктирувчи тўқималарнинг протеолитик фаоллиги ва қайта тузилишининг белгиси сифатида кўриб чиқилади (С.В. Кириченко, 2018; Q.Wang, 2019; P. Bigliardi, 2020). Ушбу параметрлар тобора кўпроқ замонавий экспериментал ва клиник протоколларга киритилмоқда (Y.C.Cheong, 2016; С.В.Кириченко, 2018). Муаммонинг клиник жиҳатлари бир қатор йирик ретроспектив ва истиқболли тадқиқотларда келтирилган. Тен Броэк ва ҳаммуаллифларнинг келтирилган маълумотларида (2018) жарроҳлик аралашувининг ҳар бир эпизоди такрорий чандиқни ҳосил бўлиш хавфини оширишини кўрсатди, такрорланиш даражаси 35% га етди. 2013 йилда БМЖ томонидан ўтказилган мета-таҳлил шуни кўрсатдики, ўтқир ичак тутилиши (ЎИТ) туфайли шифохонага ётқизилганларнинг 56% гача чандиқлар сабаб бўлган. Профилактикага алоҳида эътибор қаратилмоқда. Замонавий усуллар тўсиқ материалларидан (карбоксиметилцеллюлоза, гиалурон кислотаси, оксидланган регенерацияланган целлюлоза), маҳаллий фибриногенез ингибиторлари, яллиғланишга қарши воситалардан фойдаланишни ўз ичига олади (W.W. Vrijland, 2020). Бироқ, уларнинг аксарияти, айниқса, такрорий аралашувлар ёки умумий яллиғланиш шароитида чекланган самарадорликни кўрсатади. Шу муносабат билан янги ёндашувларни ишлаб чиқиш давом этмоқда. Ген технологиялари, иммунотерапия ва шахсийлаштирилган биотиббӣёт моделлари (G.S. Di Zerega, 2020; G. Trew, 2019). Сўнгги йилларда трансляция тиббӣёти йўналиши фаол ривожланмоқда, бу лаборатория тадқиқотлари натижаларини амалий жарроҳлик амалиётига ўтказишни таъминлайди. Ҳайвон моделларидан фойдаланиш клиник муҳитда тасдиқланган бир қатор биомаркерлар ва профилактика чораларини қўллашнинг мақсадга мувофиқлигини асослаш имконини берди (H.Wang, 2021).

Ўзбекистонда ичакнинг турли даражадаги тутилишлари ва уларни ўз вақтида ташхислаш ва жарроҳлик усуллари замонавий тактикасини танлаш ва самардорлигини баҳолашга қаратилган қатор илмий ишлар бажарилган (Ш.И.Каримов, 2020; 2024; С.Н. Наврузов, 2018; 2020; Ф.Г.Назиров, 2020; 2020; А.М.Хаджибаев, 2016; 2019; 2024; 2025), бироқ, ўтқир ичак тутилишида қайта чандиқ ҳосил бўлишини башорат қилиш ва олдини олишнинг замонавий тактикасини танланмаган.

Шундай қилиб, қорин бўшлиғи чандиқ жараёни муаммосини ўрганиш даражаси юқорилигича қолмоқда, аммо клиник ва лаборатор жиҳатларининг муҳим қисми қўшимча текширишни ва мавжуд профилактика ва башоратлаш

усуллари, яъни беморларнинг индивидуал хусусиятларига аниқлик киритиш ва мослашишни тақоза қилади ва муаммонинг долзарблигини заруриятини изоҳлайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация амалга оширилган олий ўқув юрти ёки илмий-тадқиқот муассасасининг тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Қорин бўшлиғи аъзолари ўткир хирургик касалликларини даволаш натижаларини хирургик тактикани мукаммаллаштириш ва янги усуллари яратиш орқали яхшилаш” (2018-2022) мавзусида олиб борилган.

Тадқиқотнинг мақсади чандиқли ичак тутилиши билан хасталанган беморларни чандиқ шаклланишининг такрорланишини башорат қилиш ва олдини олиш усуллари такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўткир ичак тутилишида чандиқ шаклланишининг клиник ва лаборатор кўринишларини таҳлил қилиш;

ўткир ичак тутилишида чандиқ шаклланишининг тарқалиши ва табиатининг хусусиятларини баҳолаш;

ўткир чандиқли ичак тутилишини даволашнинг анъанавий усуллари бевосита ва узоқ муддатли натижаларини таҳлил қилиш;

тажриба шароитида чандиқ шаклланишини башорат қилиш ва олдини олишда патогенетик биомаркерларнинг аҳамиятини баҳолаш;

ўткир ичак тутилишида чандиқ шаклланишини башорат қилиш ва олдини олиш усуллари ишлаб чиқиш;

ўткир ичак тутилишида чандиқ шаклланишини башорат қилиш ва олдини олиш учун ишлаб чиқилган усулларнинг самарадорлигини қиёсий баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2014-2023-йилларда Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг Хоразм вилояти филиали шифохоналарининг Шошилич жарроҳлик бўлимларида ўткир ичак тутилиши туфайли стационар равишда даволанган 218 нафар беморни даволаш натижалари таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг предмети ўткир ичак тутилиши билан хасталанган беморларда қайта чандиқ ҳосил бўлиши оксипролин, ММП-9, хужайрадан ташқари матрица (ХТМ) компонентлари ва фибробластларнинг митотик фаоллиги (ФМФ) ортиши натижасида чандиқ ҳосил бўлишини кучайтиришни баҳолаш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида далилларга асосланган тиббиёт тамойиллари ва асосларини ҳисобга олган ҳолда клиник, инструментал, лаборатор ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кўпчилик ҳолларда қорин бўшлиғининг чандиқ касаллиги ремиссия босқичида минимал клиник белгилар билан юзага келиши, ўткир ичак тутилишининг ривожланишига қадар чандиқ шаклланишининг кейинги қайталанишининг юқори хавфи исботланган;

фибробластларнинг митотик фаоллиги, хужайрадан ташқари матрикс даражаси, оксипролин ва металлопротеиназанинг 9-фракциясининг фаоллиги чандиқ жараёнининг ҳосил бўлиш босқичлари билан сезиларли даражада боғлиқлиги, чандиқ ҳосил бўлиш хавфи ва интенсивлигини башорат қилиш учун биомаркер сифатида фойдаланиш зарарулиги асосланган;

натрий карбоксиметилцеллюлоза нафақат тўсиқ таъсирига эга, балким ялиғланиш ва фибрознинг биомаркерларига (металлопротеиназанинг 9-фракцияси ва оксипролиннинг камайиши) модуляция қилувчи таъсирида юқори хавфли беморларда қайта чандиқ ҳосил бўлиш даражасини сезиларли даражада пасайишига ёрдам беришининг ўрни исботланган;

EQ-5D-3L шкаласи бўйича интраоператив асоратлар даражасини 2,9 мартага, ўлим кўрсаткичини 2,1 баробарга, қайта операцияларни эса 50% гача камайтириш натижасида даволашдан 12 ой ўтгач ҳаёт сифатини икки баробар яхшиланишига олиб келиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

чандиқ ҳосил бўлиш хавфини баҳолаш учун ташхислаш алгоритминини ишлаб чиқишда оксипролин, ММП-9, хужайрадан ташқари матрица (ХТМ) компонентлари ва фибробластларнинг митотик фаоллиги (ФМФ), бу беморларни патологик жараён бошланганидан бошлаб биринчи 10 кун ичида хавф даражасига таъсири баҳоланган;

чандиқларнинг такрорланишини башорат қилиш учун логистик модел яратилган бўлиб, ўткир чандиқли ичак тутилиши билан хасталанган беморларни даволашда клиник амалиётга жорий этилиши натижасида касалликнинг қайталанишини олдини олиш учун шахсийлаштирилган тактика танлаш имконини берган;

кўп омилли башоратлаш моделида 5 та параметрдан фойдаланиш анъанавий усулларга нисбатан чандиқ жараёни хавфини баҳолашнинг сезгирлиги ва ўзига хослигини мос равишда 29,1% ва 2,1 баробар ошириш имконини берган;

жарроҳлик амалиётига қайта чандиқ ҳосил бўлишига қарши воситани (натрий карбоксиметилцеллюлоза) башорат қилиш ва қўллаш бўйича тавсия этилган комплексни жорий этиш операциядан кейинги чандиқ ҳосил бўлиш даражасини, касалхонага ётқизиш муддатини, такрорий операциялар даражасини камайтириш ва беморларнинг ҳаёт сифатининг узоқ муддатли кўрсаткичларини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, инструментал, лаборатор ва статистик тадқиқот усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, ўткир ичак тутилишида қайта чандиқ ҳосил бўлишини башорат қилиш ва олдини олишда халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган қоидалар, хулосалар ва таклифлар чандиқлар ва ўткир ичак тутилишини қайталаниши хусусиятлари, касалликнинг патогенезида клиник ва биокимёвий бузилишларнинг ўрнини, хасталикни олдини олиш ва самарали даволаш алгоритми яратилганлиги, уларнинг олдини олишнинг мумкин бўлган шароитларини баҳолашнинг назарий асослари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти янги ишлаб чиқилган алгоритмдан фойдаланган ҳолда ўткир ичак тутилишида чандиқ ҳосил бўлиш хавфини баҳолашнинг комплекс ташхисий ва башоратлаш ёндашуви релапс хавфи юқори бўлган беморларни аниқлаш даражасини сезиларли даражада ошириш, беморларни табақалашнинг аниқлиги, анъанавий клиник мезонларга нисбатан усулнинг башоратлаш қийматини 2 бараварга ошириш, даволаш тактикасини индивидуаллаштириш, профилактика чораларини ўз вақтида қўллашга имкон берган (хусусан, натрий карбоксиметилцеллюлоза), бу такрорий операциялар даражасини 54%га, оғир чандиқли синдром ҳолатларини 2,3 бараварга камайтириш, EQ-5D-3L шкаласи бўйича операция қилинган беморларнинг ҳаёт сифати ўртача 38%га яхшилаш ва ЧИТ қайталишлари туфайли қайта шифохонага ётқизиш даражаси-икки баравар камайтириш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўткир ичак тутилишида қайта чандиқ ҳосил бўлишини башорат қилиш ва олдини олишни баҳолаш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида:

биринчи илмий янгилик: кўпчилик ҳолларда қорин бўшлиғининг чандиқ касаллиги ремиссия босқичида минимал клиник белгилар билан юзага келиши, ўткир ичак тутилишининг ривожланишига қадар чандиқ шаклланишининг кейинги қайталанишининг юқори хавфи исботланганлиги Тошкент педиатрия тиббиёт институти Эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 23 апрелда 03/357-сон билан тасдиқланган “Разработка и внедрение алгоритма прогнозирования и профилактики спайкообразования при острой кишечной непроходимости” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Мазкур таклиф Тошкент шаҳар 7-сон клиник шифохонаси бўйича 13.05.2025 йилдаги 68-У/Т-сон, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Сурхондарё филиали бўйича 13.05.2025 йилдаги 100-Т-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 10 июндаги 19/06-сон хулосаси). Илмий янгилик натижаларининг ижтимоий самарадорлиги: чандиқ ҳосил бўлиш хавфини баҳолаш учун ташхислаш алгоритмининг ишлаб чиқишда оксипролин, ММП-9, хужайрадан ташқари матрица компонентлари ва фибробластларнинг митотик фаоллиги, бу беморларни патологик жараён бошланганидан бошлаб биринчи 10 кун ичида хавф даражасига таъсири баҳолаш билан боғлиқлиги натижасидаги юзага келадиган касалликларни эрта ташхислаш ва даволаш тартибини ишлаб чиқиш имконини берганчандиқ ҳосил бўлиш хавфини баҳолаш учун ташхислаш

алгоритмини ишлаб чиқишда оксипролин, ММП-9, хужайрадан ташқари матрица компонентлари ва фибробластларнинг митотик фаоллиги, бу беморларни патологик жараён бошланганидан бошлаб биринчи 10 кун ичида хавф даражасига таъсири баҳолаш билан боғлиқлиги натижасидаги юзага келадиган касалликларни эрта ташхислаш ва даволаш тартибини ишлаб чиқиш имконини берган. Илмий янгилик натижаларининг иқтисодий самарадорлиги: ичак тутилишининг обструктив ва странгуляция шакллари ўртасидаги фарқи, чандиқ шаклланишининг интенсивлигини ва уларнинг анатомик тақсимланишини ҳисобга олган ҳолда тавсифлаш, бу эса ўз навбатида операциядан кейинги асоратлар даржасини камайтириши натижасида реабилитация вақти қисқаришини таъминлаб, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга имкон берди ва натижаларнинг маблағ тежалиши, мукаммаллаштирилган ташхислаш жараёнини таъминлади. Беморларни шифохонада ётиш вақти 2-3 кунга қисқартириш, $7,84 \pm 2,12$ ни ташкил қилган. Хулоса: андиқ шаклланишининг интенсивлиги ва анатомик тақсимланиши ҳамда ичак тутилишининг обструктив ва странгуляция шакллари ҳисобга олган ҳолда амалга оширилган диагностика ва мониторинг жараёнлари операциядан кейинги асоратлар хавфини камайтириб, реабилитация муддатини қисқартириш (ўртача 2–3 кун, $7,84 \pm 2,12$) ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берди. Бу эса тадқиқотнинг ижтимоий ва иқтисодий самарадорлигини таъминлади.

иккинчи илмий янгилик: фибробластларнинг митотик фаоллиги, хужайрадан ташқари матрикс даражаси, оксипролин ва металлопротеиназининг 9-фракциясининг фаоллиги чандиқ жараёнининг ҳосил бўлиш босқичлари билан сезиларли даражада боғлиқлиги, чандиқ ҳосил бўлиш хавфи ва интенсивлигини башорат қилиш учун биомаркер сифатида фойдаланиш зарарулиги асосланганлиги Тошкент педиатрия тиббиёт институти Эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 23 апрелда 03/357-сон билан тасдиқланган “Разработка и внедрение алгоритма прогнозирования и профилактики спайкообразования при острой кишечной непроходимости” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Мазкур таклиф Тошкент шаҳар 7-сон клиник шифохонаси бўйича 13.05.2025 йилдаги 68-U/T-сон, Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Сурхондарё филиали бўйича 13.05.2025 йилдаги 100-T-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 10 июндаги 19/06-сон хулосаси). Илмий янгилик натижаларининг ижтимоий самарадорлиги: чандиқларнинг такрорланишини башорат қилиш учун логистик модел яратилган бўлиб, ўткир чандиқли ичак тутилиши билан хасталанган беморларни даволашда клиник амалиётга жорий этилиши натижасида касалликнинг қайталанишини олдини олиш учун шахсийлаштирилган тактика танлаш орқали, ушбу биомаркерларни аниқлаш уларнинг қайта чандиқ ҳосил бўлиш хавфи ва интенсивлигини башорат қилиш учун прогностик усул сифатида фойдаланиш ва беморларда интраоперацион асоратлар даржасини 2,9 маротабага камайтиришга олиб келиш имконини берганлиги билан

боғлиқлиги натижасидаги юзага келадиган касалликларни эрта ташхислаш ва даволаш тартибини ишлаб чиқиш имконини берган. Илмий янгилик натижаларининг иқтисодий самарадорлиги: ичак тутилишининг обструктив ва странгуляция шакллари ўртасидаги фарқи, чандик шаклланишининг интенсивлигини ва уларнинг анатомик тақсимланишини ҳисобга олган ҳолда тавсифлаш, бу эса ўз навбатида операциядан кейинги асоратлар даржасини камайтириши натижасида реабилитация вақти қисқаришини таъминлаш, шифохонада ётиш вақти 2-3 кунга қисқартириш ($7,84 \pm 2,12$) ни ташкил қилиш ҳамда беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга имкон берди ва натижаларнинг маблағ тежалиши, мукаммаллаштирилган ташхислаш жараёнини таъминлаш имконини берган. Хулоса: Кўп омилли логистик модел орқали ушбу биомаркерлардан фойдаланиш клиник амалиётда шахсийлаштирилган даволаш тактикасини танлаш ва ўтқир чандикли ичак тутилиши билан хасталанган беморларда касалликнинг қайта ривожланишини олдини олиш имконини берган. Шу билан бирга, интраоперацион асоратлар даражаси 2,9 маротаба камайган, бу эса касалларнинг эрта ташхис қилиниши ва даволанишига имкон яратган. Операциядан кейинги асоратлар хавфини камайтириш, реабилитация муддатини қисқартириш (ўртача 2–3 кун, $7,84 \pm 2,12$) ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш орқали тадқиқот ижтимоий ва иқтисодий самарадорлигини таъминлади.

учинчи илмий янгилик: натрий карбоксиметилцеллюлоза нафақат тўсиқ таъсирига эга, балким ялиғланиш ва фибрознинг биомаркерларига (металлопротеиназанинг 9-фракцияси ва оксипролиннинг камайиши) модуляция қилувчи таъсирида юқори хавфли беморларда қайта чандик ҳосил бўлиш даражасини сезиларли даражада пасайишига ёрдам беришининг ўрни исботланган усули Тошкент педиатрия тиббиёт институти Эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 23 апрелда 03/357-сон билан тасдиқланган “Разработка и внедрение алгоритма прогнозирования и профилактики спайкообразования при острой кишечной непроходимости” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Мазкур таклиф Тошкент шаҳар 7-сон клиник шифохонаси бўйича 13.05.2025 йилдаги 68-У/Т-сон, Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Сурхондарё филиали бўйича 13.05.2025 йилдаги 100-Т-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 10 июндаги 19/06-сон хулосаси). Илмий янгилик натижаларининг ижтимоий самарадорлиги: кўп омилли башоратлаш моделида 5 та параметрдан фойдаланиш анъанавий усулларга нисбатан чандик жараёни хавфини баҳолашнинг сезгирлиги ва ўзига ҳослигини мос равишда 29,1% ва 2,1 баробар ошириш имконини берганлиги билан боғлиқлиги натижасидаги юзага келадиган касалликларни эрта ташхислаш ва даволаш тартибини ишлаб чиқиш имконини берган. Илмий янгилик натижаларининг иқтисодий самарадорлиги: ичак тутилишининг обструктив ва странгуляция шакллари ўртасидаги фарқи, чандик шаклланишининг интенсивлигини ва уларнинг анатомик тақсимланишини ҳисобга олган ҳолда тавсифлаш, бу эса ўз навбатида операциядан кейинги асоратлар даржасини камайтириши

натижасида реабилитация вақти қисқаришини таъминлаб, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга имкон берди ва натижаларнинг маблағ тежалиши, мукаммаллаштирилган ташхислаш жараёнини таъминлади. Беморларни шифохонада ётиш вақти 2-3 кунга қисқартириш, $7,84 \pm 2,12$ ни ташкил қилган. Хулоса: Олинган маълумотлар кўп омилли башоратлаш моделида 5 та параметрдан фойдаланиш орқали чандиқ жараёни хавфини аниқлашнинг сезгирлиги ва ўзига хослигини 29,1% ва 2,1 баробар оширишга ёрдам берган, бу эса касалликларни эрта ташхислаш ва индивидуал даволаш режасини ишлаб чиқиш имконини берган. Чандиқ шаклланишининг интенсивлиги ва анатомик тақсимланиши ҳамда ичак тутилишининг обструктив ва странгуляция шакллари ҳисобга олган ҳолда амалга оширилган диагностика ва мониторинг жараёнлари операциядан кейинги асоратлар хавфини камайтириб, реабилитация муддатини қисқартириш (ўртача 2–3 кун, $7,84 \pm 2,12$) ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга имкон берган.

тўртинчи илмий янгилик: EQ-5D-3L шкаласи бўйича интраоператив асоратлар даражасини 2,9 мартага, ўлим кўрсаткичини 2,1 баробарга, қайта операцияларни эса 50% гача камайтириш натижасида даволашдан 12 ой ўтгач ҳаёт сифатини икки баробар яхшиланишига олиб келиши исботланганлиги Тошкент педиатрия тиббиёт институти Эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 23 апрелда 03/357-сон билан тасдиқланган “Разработка и внедрение алгоритма прогнозирования и профилактики спайкообразования при острой кишечной непроходимости” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Мазкур таклиф Тошкент шаҳар 7-сон клиник шифохонаси бўйича 13.05.2025 йилдаги 68-U/T-сон, Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Сурхондарё филиали бўйича 13.05.2025 йилдаги 100-T-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 10 июндаги 19/06-сон хулосаси). Илмий янгилик натижаларининг ижтимоий самарадорлиги: жарроҳлик амалиётига қайта чандиқ ҳосил бўлишига қарши воситани (натрий карбоксиметилцеллюлоза) башорат қилиш ва қўллаш бўйича тавсия этилган комплексни жорий этиш операциядан кейинги чандиқ ҳосил бўлиш даражаси, шифохонага ётқизиш муддати, такрорий операциялар даражасини камайтиришга қаратилган ихтиро патенти №IAP 807 олинган ва унинг натижасида беморларнинг ҳаёт сифатининг узоқ муддатли кўрсаткичларини яхшилаш имконини берган. Илмий янгилик натижаларининг иқтисодий самарадорлиги: ичак тутилишининг самарали ташхислаш ва даволаш натижасида чандиқ шаклланишини интенсивлиги ва уларнинг анатомик тақсимланиши баҳолаш алгоритм ва ёндашувдан фойдаланиш асоратларни олдини олиш, кўшимча даволанишга бўлган эҳтиёжни камайтириш, алгоритмнинг иқтисодий самарадорлиги бир беморда қайталанишни ёки касалликнинг оғир кечишини олдини олган ҳолда 480 000 сўмни ташкил этиш, шифохонада ётиш вақти 2-3 кунга қисқартириш имконини берган ҳамда умумий харажатларини камайтириш имкон берган. Хулоса: Тадқиқот натижалари кўрсатдики, EQ-5D-3L шкаласи орқали баҳолаш натижалари интраоператив асоратлар даражасини 2,9 мартага, ўлим

кўрсаткичини 2,1 баробар ва қайта операцияларни 50% гача камайтириш орқали даволашдан 12 ой ўтгач беморларда ҳаёт сифатини икки баробар яхшилаш имконини берган. Чандиқ шаклланишининг интенсивлиги ва анатомик тақсимланишини баҳолаш учун ишлаб чиқилган алгоритм ва ёндашув асоратларни олдини олиш, қўшимча даволанишга бўлган эҳтиёжни камайтириш ва ҳар бир бемор учун иқтисодий самарадорликни таъминлаб, шифохонада ётиш муддатини 2–3 кунга қисқартириш ва умумий харажатларни камайтиришга имкон берган

Тадқиқот натижаларини апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 19 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 7 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Матн материалининг ҳажми 137 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўткир ичак тутилишида қайта чандиқ ҳосил бўлишини башорат қилиш ва олдини олишни баҳолашнинг замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида ЧИТни ўрганиш бўйича тарихий маълумотларга оид муаммолар кўриб чиқилган; ЧИТ эпидемиологияси; қорин бўшлиғида чандиқни шаклланишининг этиологияси ва патогенези; ЧИТ диагностикаси ва даволашнинг замонавий тамойиллари; қорин бўшлиғи жарроҳлигида чандиқни шаклланишини башорат қилиш ва олдини олиш бўйича замонавий ютуқлар ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Ўткир ичак тутилишида қайта чандиқ ҳосил бўлишини башорат қилиш ва олдини олишни баҳолаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг материали ва усуллари бағишланган. Тадқиқотнинг клиник қисми ёши, жинси ва клиник хусусиятлари бўйича таққосланадиган икки гуруҳга бўлинган, ЧИТ ташхиси қўйилган 218 беморни ўз ичига олди. Назорат гуруҳи (108 нафар бемор)

ретроспектив тарзда шакллантирилди ва даволашга анъанавий ёндашув босқичини акс эттирди, асосий гуруҳ (110 бемор) эса тадқиқотга истиқболли киритилди ва замонавий прогнозлаш ва профилактика усулларида фойдаланган ҳолда даволаш ва диагностика тактикасини такомиллаштириш имкониятларини намоёниш этди.

Даволаш хронологиясини, шикоятлар тузилишини, олдинги операциялар сони ва бирга келган касалликларни таҳлил қилиш нафақат беморларнинг клиник кўринишини аниқлашга, балки асосий гуруҳда касалликнинг янада оғир йўналишига маълум силжишларни қайд этишга имкон берди, бу эса чандик ҳосил бўлиш жараёнга таъсир қилишнинг янада самарали воситаларини излашнинг долзарблигини белгилайди.

Умуман олганда, олинган маълумотлар тадқиқотга киритилган гуруҳларнинг репрезентативлигини, шунингдек, қўлланиладиган диагностика, прогностик ва профилактика усулларида ҳақиқийлигини тасдиқлади, бу эса кейинги натижаларнинг ишончлилиги ва такрорланишини таъминлади.

Экспериментал тадқиқотлар оқ Wistar каламушларида ўтказилди ва тўртта кетма-кет серияни ўз ичига олди, уларнинг ҳар бири қорин пардага турли даражадаги таъсирни акс эттирди - бузилмаган ҳолатдан ичак сероз қаватини шикастлаш билан оғир механик шикастланишгача. Ушбу ёндашув чандик ҳосил бўлиш динамикаси ва уларнинг морфофункционал хусусиятлари тўғрисида объектив маълумотларни олиш имконини берди, бу зарар этказувчи таъсирнинг табиати ва зўрлигига боғлиқ. Чандик жараёнинг оғирлиги ва операциядан кейинги кузатув вақтлари ўртасидаги аниқланган боғлиқлик патологик ўзгаришларнинг шаклланиши учун танқидий интервалларни ўрнатишга имкон берди, бу эса профилактик аралашув қоидаларини ишлаб чиқиш учун муҳимдир.

60 кун давомида миқдорий баҳолаш шкаласи ёрдамида чандикланиш жараёнинг динамикасини ҳар томонлама баҳолаш шуни кўрсатдики, энг аниқ чандиклар ичакнинг сероз мембранасига механик шикастланиш шароитида кузатилади. Бундай шароитларда 20-кунга қадар кўпол чандик ҳосил бўлди.

Тадқиқотнинг клиник ва лаборатория компоненти биологик суюқликларда оксипролин даражасини аниқлаш, ацетилация фенотипини ўрганиш, шунингдек, EQ-5D-3L сўровномаси ёрдамида операциядан кейинги кечки даврда беморларнинг ҳаёт сифатини ҳар томонлама баҳолашни ўз ичига олган биомаркерларнинг кенг панелини ўз ичига олади. Олинган маълумотлар беморларни биомаркерлар ва клиник маълумотларнинг комбинацияси, шу жумладан курснинг оғирлиги, даволаш хронологияси ва олдинги аралашувлар тарихи асосида операциядан кейинги асоратлар ва чандиклар ривожланиши ҳавфи даражаси бўйича қатламлаш имкониятини кўрсатди. Ушбу тадқиқотни ўтказишда биз трансляцион тиббиёт тамойилларидан фойдаландик. Ушбу методология бизга экспериментал натижаларни клиник материалга экстраполяция қилиш, шунингдек, ҳақиқий амалиётга яқин шароитларда қўлланиладиган ёндашувларнинг самарадорлигини текшириш имконини берди. Танланган дизайннинг ҳақиқийлиги олинган маълумотларнинг юқори

даражада такрорланувчанлиги ва уларнинг далилларга асосланган тиббиётнинг замонавий илмий талабларига мувофиқлиги билан тасдиқланади (1-расм).



1-расм. Ўтказилган тадқиқотлар умумий дизайни

Статик тадқиқотлар параметрик ва параметрик бўлмаган тестларни, РОС таҳлилини, логистик регрессия ва корреляция моделларини ўз ичига олади, бу бизга аниқланган фарқларнинг аҳамиятини ишончли аниқлаш ва натижаларни клиник шароитларга таржима қилишни таъминлаш имконини берди.

Диссертациянинг «Беморларнинг назорат гуруҳида ўткир ичак тутилишида чандик хосил бўлишини башорат қилиш ва олдини олишнинг анъанавий усулларида фойдаланиш самарадорлигини

ретроспектив таҳлили» деб номланган учинчи бобида ўткир ичак тутилишида чандикни шаклланишини башорат қилиш ва олдини олишнинг анъанавий усуллари самарадорлигини ретроспектив таҳлил қилишга бағишланган.

Назорат гуруҳидаги ўткир ЧИТли беморларда чандик касаллиқнинг клиник ва лаборатория кўринишларининг ўтказилган таҳлили бизга бир қатор муҳим патогенетик ва прогностик натижаларни аниқлаш имконини берди. Хусусан, биз нафақат ЧЖнинг локализацияси ва табиати, балки беморнинг индивидуал метаболик хусусиятлари туфайли клиник кўринишнинг аниқ гетерогенлигини аниқладик. Консерватив даво самарасизлигининг энг муҳим башорат қилувчи омиллари қорин бўшлиғидаги операциялар сони (ҳар бир беморга ўртача 2,6), тез ацетиляция фенотипининг мавжудлиги (жарроҳлик даволаш гуруҳидаги ҳолатларнинг 90% дан кўпроғи) ва сийдик намуналарида оксипролин каби фибрознинг тўқималар белгилари даражасининг ошиши кузатилади.

Топилган клиник маълумотлар бир қатор замонавий тадқиқотлар натижаларини тасдиқлайди, уларга кўра қорин бўшлиғида чандиклар пайдо бўлиши ва такрорланиши жарроҳлик аралашувлар сонига ва қорин бўшлиғи яллиғланишининг ҳажмига тўғридан-тўғри пропорционалдир (С.М. Barrou ва бошқ., 2021). Тез ацетиляция тури бўлган беморларда ЧИТ белгиларининг кўпайиши унинг яллиғланиш реакциясини фиброзга тезлаштирилган ўзгаришидаги роли ҳақидаги маълумотларга мос келади (Y. Zhao ва бошқ., 2022). Метаболик маркерларни, хусусан, оксипролинни, беморларни чандик ҳосил бўлиш хавфи билан табақалаш учун восита сифатида фойдаланиш (L. Wang, 2023) томонидан клиник кузатувларда тасдиқланган. Тадқиқотларимиз натижалари шуни кўрсатдики, сийдик намуналарида оксипролин даражаси касаллиқнинг клиник оғирлигига аниқ боғлиқдир.


Шу билан бирга, ЧИТ касаллиқнинг ремиссия даврида қорин бўшлиғи белгиларининг ўзгарувчанлиги ва ўзига хос эмаслигини таъкидлаш керак, бу ўз вақтида ташхисни сезиларли даражада мураккаблаштиради. Бу бир қатор муаллифларнинг яширин чандик ҳосил бўлиш патологиясини аниқлашда анъанавий клиник диагностика алгоритмларининг сезгирлиги этарли эмаслиги ҳақидаги фикрини тасдиқлайди (K. Ghosh, 2020).

Беморларнинг назорат гуруҳида ўткир ЧИТда чандик шаклланишининг тарқалиши ва табиатини таҳлил қилиш натижалари касаллиқнинг оғир шакллари шакллантиришда метаболик ва морфологик омилларнинг асосий ролини тасдиқлайди. Шикастнинг странгуляция вариантнинг тарқалиши (тез ацетиляция фенотипи бўлган беморларда 87,9%) нафақат кенг кўламли жарроҳлик аралашувлар зарурати (шу жумладан 47,6% ҳолларда ичак резекциялари), балки операциядан кейинги асоратларнинг юқори даражаси билан ҳамроҳ бўлди. Тез ацетилланиш фенотипи ва перитонеал чандиклик индексининг юқори даражаси (27,1 баллгача) ўртасидаги ўрнатилган корреляция агрессив чандик жараённинг ривожланишида генетик жиҳатдан аниқланган метаболик хусусиятларнинг прогностик аҳамиятини таъкидлайди. Кўпгина ҳолларда, чандик шаклланишининг такрорланишини башорат қилиш

ва олдини олишнинг анъанавий усулларида фойдаланиш, илгари муваффақиятли даволаниш эпизодларига қарамай, ижобий натижаларга олиб келмади. Бу индивидуал параметрларни ҳисобга олмайдиган анъанавий ёндашувларнинг паст самарадорлигини кўрсатади ва қайталанишнинг олдини олиш бўйича мавжуд ёндашувларнинг чекловларини таъкидлайди. Замонавий тадқиқотлар шуни тасдиқлайдики, чандик касаллик билан оғриган беморларни даволашнинг анъанавий усуллари паст прогностик аниқликка эга. Хусусан, J. Ma (2021) ҳатто барьер-тўсиқ воситаларини қўллаш (SprayGel ва бошқалар) фақат минимал жарроҳлик жароҳати билан такрорланиш даражасини пасайтиради, уларнинг самарадорлиги эса ЧЖнинг агрессив шаклида чекланганлигини кўрсатди. Шунга ўхшаш хулосалар Y. Zhao (2022) томонидан, метаболик профиллар, шу жумладан ацетиляция, натижаларда асосий рол ўйнашини таъкидлайди. Назорат гуруҳидаги ўткир ЧИТ билан оғриган беморларнинг дар-ҳол ва узок муддатли даволаш натижаларини таҳлил қилиш интраоператив ва операциядан кейинги асоратларнинг юқори частотасини аниқлади. Операция пайтидаги жароҳатларнинг ўртача сони ҳар бир беморга 3,8 бирликни ташкил этди ва кўп аъзолар этишмовчилиги туфайли ўлим даражаси 14,3% га этди. Замонавий жарроҳлик технологиялари, жумладан, адезиолиз, тўсиқ қоювчи воситалар (SprayGel) ва қорин бўшлиғини санациялаш усулларида фойдаланишга қарамай, узок муддатли операцияларни талаб қиладиган юқори такрорланиш даражаси сақланиб қолди - биринчи йил давомида 54,5% гача. Буларнинг барчаси чандикларнинг такрорланишининг жарроҳлик олдини олишнинг анъанавий усуллари ва фақат ацетиляция фенотипига асосланган индивидуал стратегияларнинг чекланган самарадорлигини кўрсатади. Тез фенотип касалликнинг янада оғир кечиши ва эрта даврда тез-тез жарроҳлик аралашувларга бўлган эҳтиёж билан боғлиқ бўлса-да, узок муддатда чандиклар частотасидаги гуруҳлар ўртасидаги фарқлар барҳам топди. Ушбу маълумотлар шуни кўрсатадики, ацетиляция фенотипини аниқлаш, унинг патогенетик аҳамиятига қарамай, мустақил прогностик мезон сифатида кўриб чиқилиши мумкин эмас. 12 ойгача бўлган динамикада EQ-5D-3L шкаласи бўйича назорат гуруҳидаги беморларнинг сўровномаси маълумотлари операция қилинган беморларнинг ярмидан кўпида ҳаёт сифатининг доимий пасайишини тасдиқлади. Бу чандикнинг такрорланишини эрта аниқлаш ва олдини олиш учун мураккаб стратегияларга ўтиш муҳимлигини таъкидлайди.

Диссертациянинг «**Ўткир ичак тутилишида қайта чандик ҳосил бўлишини башорат қилиш ва олдини олиш усуллари ишлаб чиқиш ва самарадорлигини баҳолаш**» деб номланган тўртинчи бобида ўткир ичак тутилишида чандик шаклланишини башорат қилиш ва олдини олиш усуллари ишлаб чиқиш ва самарадорлигини баҳолашга бағишланган. Биринчи босқичда экспериментал тадқиқотлар ўтказиш орқали чандикни шаклланишини башорат қилиш ва олдини олишда патогенетик биомаркерларнинг аҳамияти назарий асосланади. Олинган экспериментал тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, перитонеал экссудатнинг ўрганилаётган биомаркерлари (оксипролин, ХТМ, ММП-9 ва ФМФ) қорин

